



21.01.2022 даги

Ўзбекистон Республикаси МГҚББ Сирдарё вилоят қўриқлаш бошқармаси ва Сайхунобод тумани  
хокимияти ўртасида 36606000,00 сўм умумий суммага тузилган 19 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб  
Шахсий ғазна ҳисобварақ

018

100022860242167011204018001

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)		Жами
	4293000		
Январь	12 202 000,00		12 202 000,00
Февраль	12 202 000,00		12 202 000,00
Март	12 202 000,00		12 202 000,00
Апрель			
Май			
Июнь			
Июль			
Август			
Сентябрь			
Октябрь			
Ноябрь			
Декабрь			
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>36 606 000,00</b>		<b>36 606 000,00</b>

Жами 36606000,00 сўм

Ўттиз олти миллион олти юз олти минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юкоридаги кўрсатилган суммадан \_\_\_\_\_ сўм ёки \_\_\_\_% \*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
\_\_\_\_% \*\*\*20 \_\_\_\_\_ ойида тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юкоридаги кўрсатилган суммадан ойига \_\_\_\_% жорий ойнинг \_\_\_\_\_ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алока хизматлари ва конун хужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берин шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш хосларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



Буюртмачи бўш бухгалтери

Ғазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.

Ўқтамжонов Ф.

Ф.И.Ш.

Муртозов Миркомил Мирзаевич

Ф.И.Ш.

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати томонидан  
жисмоний ва юридик шахсларга қўриқлаш хизматини кўрсатиш бўйича**

**ШАРТНОМА**

Гулистан ш.

19-сон

2022 йил 21 январь

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси Сирдарё вилояти Қўриқлаш бошқармаси** номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошқарма бошлиғи А.Б.Хўжамуротов (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) бир томондан, **Сайхунобод туман хокимлиги** номидан Конун асосида фаолият юритувчи туман хокими Ф.Ў.Ўқтамжонов (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади, мазкур Шартномани кўйидагилар хақида туздилар:

**I БОБ. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1. **Ижрочи** Миллий гвардия қўриқлаш хизмати коровул қўриқлаши кўринишида **Буюртмачининг** мулкини қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, **Буюртмачи** эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вактида қўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**II БОБ. УМУМИЙ ШАРТЛАР**

2. **Буюртмачи** Сайхунобод тумани, Шодлик МФЙ А.Навоий кўчаси 2-уда жойлашган Сайхунобод туман хокимлиги биносини (кейинги ўринларда «объект» деб юритилади) кундузги ва тунги қўриғини ташкил этиш учун хафтада дам олиш кунисиз 1 та 24 соатлик (соат 09:00 дан 09:00 гача) Миллий гвардия қўриқлаш хизмати коровул пости орқали ва туман хокимлиги режим хизмат хонасини қўриғини ташкил этиш учун хафтада 7 иш куни (душанба-якшанба)да 1 та 7 соатлик (соат 23:00дан соат 06:00 гача) Миллий гвардия қўриқлаш хизмати **ТҚМ** орқали қўриқлаш учун “Ижрочи”га топширади, “Ижрочи” қабул килади.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, курилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада қўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас кисми хисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиши, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиши ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномага мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас кисми хисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиккан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнгиндан қўриқлаш ва ташвиш сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас кисми хисобланади.

6. Объектни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда сокчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объективга Миллий гвардия қўриқлаш хизмати коровул пости томонидан қўриқлаш йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи объективнинг техник мустаҳкамлигини кўздан кечириш далолатномасида қўрсатилган талабларни бажармагандан **Ижрочи** қўйилмайди, қўйилган **Ижрочи** эса чақириб олинади.

### **III БОБ. ТҮЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос холда хисобланади, кўрсатилган хизматлар бўйича хисобланган суммалар хисоб-жадвали илова килинади. Агар шартнома ва хисоб-жадвалдаги саналар фарқ килса нархлар хисоб-жадвалдаги сана бўйича амал қиласи.

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартришлар киритиш конун хужжатларига мувофик ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

11. Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома хамда хисоб-фактурани ойнинг 15-санасига тақдим қиласи. Буюртмачи Ижрочига ойлик тўловларни ҳар ойнинг 20-санасигача хисоб-ракамига ўтказиб беради.

12. Хўжалик юритувчи субъект хисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-банлида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим килишга ҳақлииди.

Мазкур Шартнома бекор килинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта хисоб-китобни амалга ошириши зарур.

### **4-боб. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

#### **13. Буюртмачи қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

Ижрочидан белгиланган қўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;

Хизмат кўрсатиш жараённида **Ижрочининг** ходимлари томонидан интизомни бузилиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини **Ижрочидан** талаб қилиш;

**Ижрочининг** хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслахаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

**Ижрочи** томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича **Ижрочининг** вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

**Ижрочининг** айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижрочидан уларни бартараф этишини талаб қилиш;

**Ижрочи** томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

#### **14. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

Мазкур Шартноманинг ажралмас қисми хисобланган кўздан кечириш далолатномасига асосан қўриқлашга топшириладиган обьектни, алоҳида хоналарни техник мустахкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз хисобидан техник қўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост курилмалари ва уни иситиш ускуналари, постларро алокла, ички ва шахар телефонлари, ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси, обьект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, кулфлар, турникет, кузатини майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини саклаш хоналари, ёнғин ўчирувчи воситалар ва бошкалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

Ҳар қандай моддий қимматликларни обьект ҳудудининг девор тўсиғидан 5 метр узоклиқда (объект жойлашувини хисобга олган холда) жойлаштириш;

**Ижрочи** билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта обьектнинг техник мустахкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш қўригини ўтказиши. аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, **Ижрочини** бу ҳакда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда **Томонларнинг** вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

Белгиланган қўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник қўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

Бинода режалаштирилаётган капитал таъмираш ишлари, объектларни кайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий кимматликларни саклаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир кисмини бошка шахсларга ижарага бериш ёки мулк хуқукини ўтказиш, қўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча қўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳакида **Ижрочини** бундай ишларнинг бошланишидан камида 7 кун олдин огохлантириш;

Объектда иш куни якунида қўриқлаш сигнализациясини ёкиш, унинг носозлиги холатида бу ҳақда **Ижрочини** огохлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга кадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда қўриқлашга топшириш. Объектни қўриқлашга топширганлик ҳакида ТҚПни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг қўриқлашга қабул килинганлиги ҳакида ишонч ҳосил қилиш;

Объектни, ёнгиндан қўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик қўриқлашга топшириш, эшиклар қулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном қўриқлаш сигнализациясини ва худуднинг ёритилиш холатини текшириш, қўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошка ёнгин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймаслик;

Қўриқланадиган худудда бинодан ташқарида жойлашган моддий кимматликларнинг микдори, ассортименти, ўралган ёки қадокланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда **Ижрочи** ва **Буюртмачи** вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қўриқлашга топшириш;

Махсус журналда ўз вакили томонидан имзо кўйиш йўли билан объектларни алоҳида хоналарни қўриқлашга топшириш, қўриқлаш тугагандан сўнг қўриқлашдан чиқариш;

Қўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳакида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарап етказилганлиги алломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан **Ижрочини** хабардор қилиш ва объектга **Ижрочи** вакили етиб келгунинг кадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

Бегона шахсларга қўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пульт ракамларини ошкор қилмаслик;

**Ижрочи** вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид кисми билан таништириш;

## 15. Ижрочининг хуқуқлари:

**Буюртмачидан** объектда ўрнатилган кириш-чикиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошка хужжатларни сўраш ва олиш;

Кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган қўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича **Буюртмачига** тавсиялар бериш.

## 16. Ижрочининг мажбуриятлари:

Объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофик қўриқлан нарядини жорий этиш;

Мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофик объектни ҳамда қўриқланга топширилган моддий кимматликларни қўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

Қўриқланадиган худуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий кимматликларнинг микдори, ассортименти, ўралган ёки қадокланган ҳолатини текшириб. қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда **Ижрочи** ва **Буюртмачи** вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

Объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект худудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат килиш;

Пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

Объектни кўриклиш вактида жойдаги ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

Объектда ёнгин чиқиши ёки ёнгиндан кўриклиш сигнализациясининг ишлаб кетиши холатида зудлик билан ёнгин бўлимига ёки **Буюртмачига** хабар бериш;

Объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан **Буюртмачининг** вакилини чакириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

Ёнгиндан кўриклиш сигнализацияси ишлаб кетган холатларда сигнализациянинг ишлаб кетиши сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун **Буюртмачи** вакилини чакириши, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

**Ижрочининг** ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, кўриклиш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

Объектни кўриклишга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва кўриклишнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар хакида **Буюртмачини** хабардор қилиш;

**Буюртмачи** билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, кўриклишнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнгиндан кўриклиш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш. Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда **Ижрочини** бу ҳакда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган холда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

**Ижрочи** томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича **Ижрочи** ва **Буюртмачининг** вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини **Ижрочининг** раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

Кўрикланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида ички ишлар органининг навбатчи қисмига ва **Буюртмачига** зудлик билан хабар бериш, ички ишлар органи вакили етиб келгунга қадар ҳодиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

## 5-боб. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг **Буюртмачи** томонидан ўз вактида тўламаганлиги учун **Буюртмачи Ижрочи**га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

18. **Ижрочининг** ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида **Ижрочи** **Буюртмачига** ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган ҳизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеняни тўлаш **Буюртмачи** ва **Ижрочини** ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

20. **Ижрочи** мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражала бажармаганлиги натижасида **Буюртмачига** етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

**Ижрочининг** айби билан зарар етказилганлиги аниқланган холларда зарар тўлиқ микдорда копланади.

21. **Ижрочининг** айби билан етказилган заарнинг миқдорини аниклаш учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, заар миқдори тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда заар миқдори суднинг карори билан аникланади.

22. Куйидаги ҳолларда **Ижрочи** заарни қопламайди:

**Ижрочи** шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига карамасдан заар учинчи шахсларнинг жиной харакатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган карори билан тасдиқланса;

Кабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка заар етказилганда:

**Буюртмачининг** ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан заар етказилганда.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда заарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

## 6-боб. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

24. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вактида тарафлар ўртасида келиб чикадиган низолар, шунингдек етказилган заарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун хужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## 7-боб. ФОРС-МАЖОР

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, ёнгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола килувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичидаги ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичидаги хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимираши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнгинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган карорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати ёнгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечикирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

## 8-боб. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

28. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилиари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

29. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда **Буюртмачи** ва **Ижрочининг** вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийdir.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

**Шартноманинг амал қилиш муддати қуидагича белгиланади:**

Хўжалик юритувчи субъектлар бўйича — Томонлар тарафидан имзолангандан кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар;

Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари оловчилари бўйича — белгилангандан тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда **Буюртмачи** мазкур Шартномани бекор қилиш ҳакида **Ижрочи** Шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган хисобланади.

31. Агар техник қўриклиш воситалари **Буюртмачининг** айби билан ишдан чиқкан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бирок **Буюртмачи** буни рад этса, **Ижрочи Буюртмачига** етти кун олдин ёзма маълум килган ҳолда алоҳида объектларни қўриклишни рад этиши мумкин.

32. **Буюртмачи** кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловни белгилангандан муддатда тўламаса, **Ижрочи** мазкур шартномани **Буюртмачини** ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. **Ижрочи** кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриклиш тартибини бузса, **Буюртмачи** мазкур шартномани **Ижрочини** ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

34. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 30 кун олдин ёзма равишда маълум килади.

35. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага конун хужжатларига мувофиқ хуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

## IX-БОБ. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

### «Ижрочи»

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси Кўриклиш бош бошқармаси  
Сирдарё вилояти Кўриклиш бошқармаси

Юридик манзили: Гулистон шаҳри  
Бирлашган кўчаси 47-үй

х/р: 21596000900193586001

Банк реквизитлари: Марказий банк  
Гулистон шаҳар XKKM

МФО: 00023

СТИР: 200322883

ИФУГ: 80200



Бошқармаси  
мухри

А.Б.Хўжамуротов

### “Буюртмачи”

Сайхунобод туман хокимлиги

Юридик манзили: Сайхунобод тумани

Шодлик МФЙ А.Навоий кўчаси 2-үй

х/р: 23402000300100001010

ШХР: 100222860242164011204018001

Банк реквизитлари: МБ XKKM

Тошкент шаҳар Б.Б.

МФО: 00014

Газначилик СТИРи: 201122919


Бюджетдан маблағ оловчи СТИРи:



Ф.Ў.Ўқтамжонов

Кўриклиш бошқармаси Юридик гурухи  
бош юрисконсульти подполковник

А.Т.Абдушукуров





"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Ўз. Рес. Миллий парламенти КУБ Сирдарё вилоят  
Кўриқлаш бошкармаси тартибидан  
полковник

А.З. Усткамуротов  
" " 2022 йил



Сайхунобод туман хокимлиги режим хизмат хонасини Сайхунобод туман Кўриқлаш бўлими ТҚМ томонидан кўриқлаш бўйича

### Хисоб-сметаси

№	Объект номи	Объект манзили	Кўриқлаш тури	ТҚМга уланган сана	Кўриқлаш соати			Приток А-КОП-03 V2 курилмасига ўрнатилган SIM карталар сони	Бир SIM карта учун бир ойга банк хизмати билан (сўмда)	Кўриқлаш вакти	3 ойлик кўриқлаш соати	Кўриқлаш нарихи		
					иши вакти	Хафтада 5 иш куни душанба-жума	Дам олиш шанба куни					1 соатга (сўм)	3 ойлик (сўм)	ўртacha бир ойига (сўм)
1	Сайхунобод туман хокимлиги биноси	Сайхунобод тумани Шодлик МФЙ А.Навоий кўчаси 2-йй	Коровул	03.06.2021 №451	09-00 дан 09-00 гача	24 соат	24 соат	24 соат		01.01.2022 дан 31.03.2022 гача	2190	16716	36 608 040	12 202 680
2	Сайхунобод туман хокимлиги режим хизмат хонаси		ТҚМ		23-00 дан 06-00 гача	7 соат	7 соат	7 соат			639	6256	3 996 020	1 332 007
3	Uzmobile SIM карта							1	7007				21 021	7 007
<b>Жами:</b>													<b>40 625 081</b>	<b>13 541 694</b>

1 ойлик тўлов суммаси:- 13541694 (ун уч миллион беш юз қирқ бир минг олти юз тўқсон тўрт ) сўм.

3 ойлик тўлов суммаси:- 40625081 (кирқ миллион олти юз йигирма беш минг саксон бир ) сўм

Эслатма: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ ойлик маошлар оиса хисоб-смета қайтадан хисобланади.

Боншкарма МИБ бош хисобчиси  
лейтенант Н.И.Мавлонов

Сайхунобод туман хокимияти  
бош хисобчиси